

СИРДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ
ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИННИНГ 1-1211-2501/40-СОНЛИ
А Ж Р И М И

2026 йил январь ойининг 22 куни, Сирдарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи: Сирдарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судьяси Ш.Исмаилов,

Ҳайъат судьялари А.Курамамов ва Ж.Турдимуратовлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ш.Бурановнинг котиблигида, тарафлардан Сирдарё вилоят прокуратураси судларда жиноят ишларини кўришда прокурор ваколатини таъминлаш бўлими катта прокурори Б.Ахмедов, судланувчи XXXXXXXX ва унинг ҳимоячиси – адвокат О.Курбоновнинг иштирокида, XXXXXXXX XXXX XXXXXга оид жиноят ишини адвокат О.Курбонов томонидан келтирилган шикоят асосида апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Янгиер шаҳар судининг 2025 йил 24 декабрдаги ҳукмига кўра,

XXXXXXXXXX XXXX XXXXX (XXXXXXXXXX XXXX XXXXX), 1997 йил 16 июнда Сирдарё вилояти Янгиер шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, ишсиз, оилали, икки нафар фарзанди бор, муқаддам судланган:

1. Жиноят ишлари бўйича Боёвут туман судининг 2016 йил 4 июлдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ЖКнинг 661-моддасига асосан тарафлар ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатилган;

2. Жиноят ишлари бўйича Янгиер шаҳар судининг 2022 йил 22 апрелдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 62-моддаси тартибида 1 йил 4 ой 27 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Ховос туман судининг 2022 йил 13 декабрдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 10 ой 3 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан ЖК 73-моддасига асосан шартли озод қилинган;



3. Жиноят ишлари бўйича Ховос туман судининг 2025 йил 21 февралдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан айбли деб топилиб, иш ҳақининг ўн беш фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, ўталмай қолган жазо муддати 1 йил 8 ой 16 кунни ташкил қилган, XXXX вилояти XXX шаҳар, XXX МФЙ, XXX кўчаси, XXX-уйда яшаган, эҳтиёт чораси сифатида 2025 йил 24 августдан “қамоққа олиш” қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 25, 273-моддаси 5-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича 7 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60 ва 61-моддалари тартибида, жиноят ишлари бўйича Ховос туман судининг 2025 йил 21 февралдаги ҳукмига кўра тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўталмай қолган қисмини мазкур ҳукм билан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосига қисман қўшиб, узил-кесил ўташ учун 7 йил 9 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи XXXXXXXXX, 2025 йил 23 август куни шартли шахсининг Янгиер шаҳар ИИБ бошлиғи номига ёзган аризасига асосан, Янгиер шаҳар ИИБ ТҚХ ЖКБ ходимлари томонидан ўтказилган “Назорат остида олиш” тезкор тадбири давомида, кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш ва сотиш мақсадида тадбирда харидор сифатида иштирок этган шахсга Янгиер шаҳар, А.Жомий маҳалласи, А.Темур кўчасида 500 000 сўм пул эвазига оғирлиги 0.974 (*ноль бутун мингдан тўққиз юз етмиш тўрт*) грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситасини сотган вақтида ушланиб, ундан тезкор тадбирда фойдаланилган, кимёвий ишлов берилган 500 000 сўм пул маблағи, шартли харидордан эса 0.974 (*ноль бутун мингдан тўққиз юз етмиш тўрт*) грамм миқдоридаги “гашиш” гиёҳвандлик воситаси ашёвий далил сифатида олинган.

Шунингдек, тадбир давомида XXXXXXXXXнинг бошқарувидаги “Nexia-2” русумли, давлат рақами 20U438FA бўлган автомашинаси холислар иштирокида кўздан кечирилганида, автомашина салонидан келгусида сотиш ёки ўтказиш мақсадини кўзлаб яшириб қўйилган умумий вазни 2.102 (*икки бутун мингдан бир юз икки*) грамм миқдоридаги “гашиш” гиёҳвандлик воситаси ҳамда бир дона электрон тарози борлиги аниқланиб, мазкур моддалар ва электрон тарози ашёвий далил сифатида расмийлаштириб олинган.



Судга оид кимёвий экспертизасининг 2025 йил 24 августдаги 1875-сонли хулосасига кўра, шартли харидордан олинган модда таркибида фаол гиёҳванд модда тетрогидроканнабинол мавжуд бўлиб, бу модда “гашиш” деб аталиши ва унинг умумий вазни 0.974 (*ноль бутун мингдан тўққиз юз етмиш тўрт*) грамм эканлиги аниқланган.

Судга оид кимёвий экспертизанинг 2025 йил 24 августдаги 1876-сонли хулосасига кўра, XXXXXXXXXнинг автомашинасидан олинган моддалар таркибида фаол гиёҳванд модда тетрогидроканнабинол мавжуд бўлиб, бу моддалар “гашиш” деб аталаши ва унинг умумий вазни 2.102 (*икки бутун мингдан бир юз икки*) грамм эканлиги аниқланган.

Судга оид кимёвий экспертизанинг 2025 йил 24 августдаги 1878-сонли хулосасига кўра, XXXXXXXXXнинг ўнг ва чап қўлларидан олинган суртмалар сиртида ҳамда бир дона 10 000 сўм миқдоридаги пуллар сиртида аниқланган кукун моддалари, люминофор-махсус кимёвий модда ҳисобланиб, таққослаш учун юборилган намунага кимёвий табиати ва нурланиш ранги билан турдошлиги аниқланган.

Судга оид наркологик экспертизасининг 2025 йил 11 сентябрдаги 416-сонли Далолатномасига кўра, XXXXXXXXXда гиёҳвандлик касалликлар аломатлари аниқланмаганлиги ва у мажбурий даволанишга муҳтож эмаслиги баён қилинган.

Адвокат О.Курбонов шикоятда, тезкор тадбир жараёнида процессуал қонун нормалари бузилганлиги, судланувчи XXXXXXXXXни важлари текширилмаганлиги, ишда махсус харидор сифатида иштирок этган “Давлат” исмли шахсни XXXXXXXXXдан 300.000 сўм қарзи бўлганлиги, унга ҳақиқатдан ҳам ўзини истеъмоли учун олган гиёҳвандлик воситасини бир қисмини яъни 0,8 гр. ни ярмини берганлиги, бунинг учун “Давлат” унга 200.000 сўм ва илгаридан мавжуд қарзи учун 300.000 сўм, жами бўлиб 500.000 сўм пулларни берганлиги, “Давлат” дан аниқланиб олинган гиёҳвандлик моддаси аслида аниқланган миқдори кам бўлганлиги, бундан ташқари унинг ўзи вақти вақти билан гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиши, автомашинасидан аниқланиб олинган гиёҳвандлик воситасини ўзининг истеъмоли учун сақлаб келганлиги ҳақида важлар келтириб, суд ҳукмини ўзгартириб, XXXXXXXXXни ҳаракатини ЖКнинг 273-моддаси 5-қисмидан шу модданинг 2-қисмига, ЖКнинг 25, 273-моддаси 5-қисмидан ЖКнинг 276-моддаси 2-қисмига қайта квалификация қилиб, унинг қилмишидан пушаймонлигини, оилавий аҳволини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари, кекса онаси борлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, енгиллик беришни сўраган.

Судлов ҳайъати иш юзасидан судья Ш.Исмаиловнинг маърузасини, судланувчи XXXXXXXXX ва адвокат О.Курбоновни шикоятни қаноатлантириб, XXXXXXXXXга нисбатан енгиллик бериш ҳақидаги, прокурор Б.Ахмедовнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириб, келтирилган



шикоятни рад қилиш ҳақидаги фикрларини тинглаб, судланувчи XXXXXXXXни охирги сўзини эшитиб, иш бўйича тўпланган далилларни шикоятдаги важлар билан солиштириб, текшириб чиқиб, қуйидагиларга асосан суд ҳукмини ўзгартиришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим деб топади.

Судлов ҳайъати, гарчи судланган XXXXX айбига қисман иқдорлик билдирган бўлса-да, унинг айби иш бўйича сўроқ қилинган гувоҳларнинг кўрсатувлари билан, шунингдек шартли шахснинг аризаси ва билдиргилар, шахсий тинтув баённомаси, назорат остида олиш тезкор қидирув тадбири ўтказиш учун пулни бериш ҳақида баённома ва фото иловалар, назорат остида олиш баённомаси ва фото иловалар, судга оид кимёвий экспертизаси хулосалари, судга оид наркололик экспертиза хулосаси, олинган ашёвий далиллар, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланган.

Биринчи инстанция судининг ҳукмида ифодаланган барча хулосалар асосли, ишнинг ҳақиқий ҳолатига мувофиқ бўлиб, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текширилиб, судланган XXXXXXXXни ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Тиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли Қарори тушунтиришларига амал қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми ва 25, 273-моддаси 5-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Биринчи инстанция суди, судланган XXXXXXXXга жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қароридаги тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатларни, жумладан унинг қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлиги, жиноятни фош этишдаги фаол иштирокини, оиласининг ягона боқувчиси эканлигини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари ва кекса онаси борлигини, турмуш ўртоғи ҳомиладорлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этиб, жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида кўрсатилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ жазо тайинлаб, илгариги ҳукм билан тайинланган жазони ўталмаган қисмини мазкур ҳукм билан тайинланган жазога қисман қўшиб, ҳукмлар жами бўйича узил кесил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, тўғри хулосага келган.

Судлов ҳайъати, судланувчи XXXXXXXX ва унинг адвокати О.Курбоновни шикоятдаги ҳамда суд мажлисидаги “Давлат” исмли шахсга



ўзидаги 0.39 грамм гиёҳванд моддасини бир қисмини 200.000 сўм эвазига сотганлигини, бир қисми, яъни 0.39 ўзида қолганлигини, аммо “Давлат” тадбир иштирокчиларига 0.974 грамм гиёҳвандлик воситасини тақдим этганлиги, мазкур 0.974 грамм гиёҳванд моддасини бир қисми унга тегишли эмаслиги, бундан ташқари “Давлат” ундан 300 000 сўм қарз бўлганлигини, ундан олинган 500 000 сўмни 300.000 сўми ушбу қарз учун берилган пул бўлганлиги, ўзи вақти вақти билан гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиши, автомашинасидан аниқланиб олинган гиёҳвандлик воситасини ўзи истеъмол қилиш учун сақлаб келганлиги ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, унинг ушбу важларини асоссиз деб ҳисоблайди.

Жумладан, гувоҳ ХХХХ суд мажлисидаги кўрсатувида шартли шахсинг аризасига асосан “Назорат остида олиш” тезкор тадбири ўтказилганлиги, тадбирда 500 000 сўм миқдордаги пуллар фойдаланилганлигини, эвазига шартли шахс ХХХХХХХХдан оғирлиги 0.974 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситасини сотиб олганлигини айтиб тақдим этганлиги, шунингдек тезкор тадбирда фойдаланилган, кимёвий ишлов берилган 500 000 сўм миқдордаги пул маблағлари ХХХХХХХХдан олинганлигини маълум қилган.

Гувоҳлар ХХХХХ ва ХХХХлар тезкор тадбирда холис сифатида иштирок этишганликларини, тадбирда ХХХХХХХХга нисбатан ноқонуний ҳаракат ёки куч ишлатишлар содир этилмаганлиги, тадбир баённомасида қайд қилинган ҳолатларга холис сифатида гувоҳ бўлишганликларини билдирган.

Юқоридаги далиллар, судланувчи ХХХХХХХХнинг “Давлат” исмли шахсга сотган гиёҳвандлик воситасини миқдори 0.39 грамм бўлганлиги ҳақидаги важларини инкор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли Қарорининг 25-бандида, айбдорда гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишга (ЖК 273-моддаси [биринчи](#), [иккинчи](#), [учинчи](#), [бешинчи қисмлари](#)) қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатдан ўтказиш мақсадида тайёрлаб қўйилганлигига оид далиллар мажмуидан келиб чиқишлари лозим. Бундай далилларга, масалан, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, бундай восита ёки моддалар муайян дозада (ўлчамда) қадоқланганлиги, улар ташиш ёки жўнатишда махсус махфий жойга яширилганлиги, уларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналар мавжудлиги, экспертизанинг айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ва ҳ.к.лар кириши кўрсатилган.



Гарчи, судланувчи XXXXXXXXX автомашинасидан аниқланиб олинган 2.102 (икки бутун мингдан бир юз икки) грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситасини ўзи истеъмол қилиш учун сақлаб келганлиги ҳақида важлар келтирган бўлса-да, судга оид наркологик экспертизасининг 2025 йил 11 сентябрдаги 416-сонли далолатномасида, XXXXXXXXXда гиёҳвандлик касалликлар аломатлари аниқланмаган ва у мажбурий даволанишга муҳтож эмаслиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, судланувчи XXXXXXXXXни автомашинасидан аниқланиб олинган 2.102 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситаси учта алоҳида алоҳида қадоқланган ҳолатда бўлган ҳамда шу автомашинадан бир дона электрон тарози ашёвий далил сифатида олинган бўлиб, бу далиллар ашёвий далил сифатида олинган гиёҳвандлик воситаси XXXXXXXXX томонидан келгусида ўтказиш мақсадида тайёрлаб қўйилганлигидан далолат беради.

Шу асосларга кўра, судлов ҳайъати судланувчи XXXXXXXXXни автомашинасидан аниқланиб олинган гиёҳвандлик воситасини ўзи истеъмол қилиш учун сақлаб келганлиги ҳақидаги важларини ишончга сазовор эмас деб баҳолаб рад этади.

Шунингдек, судлов ҳайъати судланган XXXXXXXXXнинг енгиллик бериш ҳақидаги важлари билан ҳам келишмайди ва жазони енгиллаштириш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан судлов ҳайъати, суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд бўлмаганлиги сабабли, келтирилган шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 497¹, 497², 497¹⁶-497¹⁸, 497²⁶ ва 497³¹-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати ажрим қилади,

А Ж Р И М:

Жиноят ишлари бўйича Янгиер шаҳар судининг 2025 йил 24 декабрдаги судланувчи XXXXXXXXX XXXX XXXXXга нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, келтирилган шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи

имзо

Ш.Исмаилов

Ҳайъат судьялари

имзо

А.Курамамов

имзо

Ж.Турдимуратов

“Ажрим нусхаси аслига тўғри”

Вилоят судининг судьяси

Ш.Исмаилов

